

X.T.C.





ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК  
ФАНИ ЮТУҚЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ  
2015 йил, 20-21 ноябрь

Республика илмий-  
амалий конференция  
материаллари

# ТЎПЛАМИ

II-қисм



Самарқанд-2015

**ВЕТЕРИНАРИЯ – ЮКУМЛИ, ПАРАЗИТАР ВА ЮКУМСИЗ  
КАСАЛЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА САМАРАЛИ ДАВОЛАШ  
СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР**

---

УДК:619:636.5

**ТОВУҚ ЭЙМЕРИОЗИДА ТОЛТРОКС ПРЕПАРАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

Давлатов Р.Б., Худжамшукуров А.Н.

*Самарқанд қишлоқ хўжалик институти*

**Аннотация.** *Товуқ эймериози ёш ва ўсувчи (10 - 120 кунлик) жўжалар орасида кўп учровчи протозой (паразитар) касаллик ҳисобланиб, унинг кўзгатувчилари кўп турга эга бўлган бир хужайрали эймерия (кокцидия) паразитларини парранда организмида ва таъқиқ муҳитида бартараф этиш ветеринарияда долзарб муаммолардан саналади. Бугунги кунда товўқларнинг бу касаллигига қарши ўнлаб янги дори препаратлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётда синовдан ўтказилмоқда. Ушбу мақолада Самарқанд биокOMBинатида ишлаб чиқарилаётган айрим янги эймериостатик препаратларни тажриба шароитида синаб кўриб ўрганиш натижалари баён қилинади.*

**Калит сўзлар.** Товуқ, жўжа, эймерия, препарат, паразитар касаллик, парранда, эймериостатик, толтрокс, хужайра, жигар, кўр ичак.

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, Президент қарорлари ва ҳукумат дастурлари асосида изчиллик билан ижро қилиниб, соҳада сезиларли ўсиш суратлари кузатилмоқда.

Айни пайтда паррандачиликда ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини қўллаш ва режали равишда савияли ветеринария хизмати кўрсатишни ташкил этиш ушбу тармоқда ўсиш суратини янада жадаллаштириш имкониятини таъминлайди (1;2). Чунки мавжуд парранда бош сонининг кўпчилиги фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг кичик товўқчилик фермаларидаги алмашинмайдиған тўшамалар (баъзан ер) шароитида асралиб, улар орасида айрим юкумли ва катор юкумсиз ҳамда инвазион касалликларнинг учраб туриши оқибатида ёш ва ўсувчи жўжаларнинг ўлиши, ўсиш ривожланишдан ортда қолиши, озуқа сарфи ҳамда ветеринария харажатларининг ортиши эвазига катта иқтисодий зарарларга олиб келмоқда (2;3).

Сўнгги йилларда биз ўрганаётган товўқ эймериози касаллиги ҳам паррандачилик тармоғига сезиларли иқтисодий зарар келтирувчи паразитар касалликлардан ҳисобланиб ветеринария фани олдида турган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг объекти ва услублари.** Тадқиқот материали сифатида пайариқ туманидаги фермер хўжаликлари товўқларидан фойдаланилди. Тадқиқот ишларида клиник кузатиш, капрологик текшириш усули, эймериостатик препаратларни қўллаш, синовдан ўтказиш учун тоза тўшамалардан, оддий рационда жўжалар озиклантирилди. 20 кунлик жўжаларда, иккита хўжалик мисолида олиб борилди. Тажрибалар биринчисида 600 бош буида толтрокс препарати қўлланилган бўлса, иккинчи хўжалиқда 350 бош жўжалар гуруҳига ампробел препарати қўлланилди.

Тажрибаларда жўжаларнинг клиник ҳолатлари, вазнларининг ўзгариб бориши, гуруҳлардаги жўжаларнинг сақланувчанлиги ва ўлганларининг гавдасидаги патологоанатомик ўзгаришлари кузатиб борилди. Дори воситаларнинг самарадорлиги - жўжаларнинг сақланувчанлиги, кунлик ўсиш, вазн ортиши, эймериозга қарши индекснинг кўрсаткичларига қараб баҳоланди.

**Тадқиқотнинг натижалари.** Ўтказилган тажрибалардан маълумки, препаратларни қўллашдан олдинги ҳолатида қуйидагича клиник кўринишлар кузатилди:

жўжаларда безовталик, гандираклаш, бир-бирининг пинжигга тикилиш кузатила бошлади, ништаҳасизлик, ич кетиши, қон аралаш сутоқ ахлат чиқариш бошланиб тажриба давомида 1- хўжаликда жўжаларда нобуд бўлиш ҳоллари кузатилмади. 2- хўжаликда юқоридаги ҳолатдан ташқари, ўлим кузатилган ва ўлганлари ёриб кўрилганда асосий ўзгаришлар ичакларда яққол кузатилиниб, ичак шиллик пардаларида геморагик яллиғланишлар нуктали қон куйилишлар айниқса кўр ичакда кучли яллиғланиш, кичик клиник ярачалар, некротик - ўчоқлар, ичак бўшлиғида ивиган қон лахталари, тўпланганликлари аниқланди. Жигар бироз катталашган, юзасида майда оқ некротик ўчоқлар мавжудлиги аниқланди. Кўр ичакдаги ўзгаришлар натижасида жўжаларда қонли (қон аралаш) ахлат чиқилиш кузатилди.

т/р	Гуруҳлар	Жўжа бош сони	Жўжа ёши (кун)	Тажриба бошидаги вазни (гр)	Жўжалар сақланувчанлиги (%)	Тажриба охирида тирик вазн (гр)	Ўртача кунлик вазн ортиши гр)	ЭҚИ (балл)
1.	Тажриба Толтрокс	600	20	88	100	298	10,5	195,4
2.	Тажриба Ампробел	350	20	88	89,06	268	9	181,8

Биринчи гуруҳ (хўжалик) жўжалари толтрокс препарати қўлланилган бўлиб, бу гуруҳда эймериозга хос клиник белгилар кузатилди, сақланувчанлик 100% ни, ўртача кунлик ўсиш 10,5 гр ни, ЭҚИ эса 195,4 баллга тенг эканлиги қайд этилди, препарат берилган 5 кундан сўнг жўжалар соғайиш кузатилди. 2 гуруҳ (хўжалик) жўжаларига қиёслаш учун ампробел кокцидиостатиги берилган бўлиб, гуруҳда касалликнинг клиник белгилари сезилиб, 32 бош жўжа нобуд бўлди. Жўжалар сақланувчанлиги 89% ни, кунлик вазн ортиши 9 гр ни, ЭҚИ 181,8 тенглиги аниқланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, товук эймериозини даволашда толтрокс эймериостатиги 1л сувга 1мл ҳисобида 2 кун қўлланилганда юқори самарага эга бўлиб, жўжалар сақланувчанлиги 100 % кўрсаткичга эга бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 842 -сонли қарори, 2008 йил Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида” ги Фармони, 2012йил Тошкент.
3. Худжамшукуров А.Н., Давлатов Р. Б., Хўжаев Ф . “Товук эймериозини даволашда ампролиннинг самарадорлиги”. Журнал -Зооветеринария 2011 й. № 5 - сон, 24 б.

УДК 636.31:591.4:591.471.3

### СУЯКЛАР КОМПАКТ МОДДАСИНИ ҚЎЙЛАРНИНГ ЁШИ ВА ЗОТИГА КЎРА ЎЗГАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилмуродов Н.Б.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

**Аннотация.** Турли зотга мансуб бўлган қўйларнинг постнатал онтогенези давомида елка суягининг компакт моддасини морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ўрганилган ва суякнинг турли анатомик қисмларида оғирлик кучининг қўлами билан боғлиқ хусусиятлар аниқланган.

**Киритиш.** Суяклар умурткалилар организмда таянч-механик функциясини